


Термиз тумани миришкорлари ҳам пахта режасини бажаришди



Термиз тумани миришкорлари жорий йилги пахта топшириш шартномавий режасини бажаришди. Тумандаги 70 та фермер хўжалиги томонидан 2 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилиб, 7 416 тонна пахта хирмони бунёд этилди. Бу белгиланган режа 100,2 фоизга бажарилди.

Хозирга қадар териб олинган тўза майдонларида ўртacha ҳосилдорлик 35,8 центнерни ташкил этмоқда. Туманнинг илғор фермер хўжаликлари, "Қораҳон пахтакори", "Шухрат Термизий", "Озод Сурхон", "Жаҳонгир Баҳористон", "Бек Нурафшон дала" ва "Анвар Дўстлик" фермер хўжаликлари томонидан ўртacha 40-45 центнер ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда.

Бугун вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов Термиз тумани "Сурхон Янгиарик" ҳудудидаги "Термиз пахтакори" фермер хўжалиги пахта даласида бўлиб, теримчилар билан учрашди ва илғор теримчиларга совғалар, майший техникалар топширди.